

**САМАНДАР БОҲИДОВ**

---

**Қатраларда  
нур ёнар**

**ШЕЪРЛАР**

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг  
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти  
Тошкент—1978



Самандар Воҳидов «Қорбобонинг истаги», «Кафтимда гул» тўпламлари орқали Сизга таниш. Бухорода яшаб, ижод қилаётган шоир бир неча йилдан бери область радиокомитетида бош муҳаррир вазифасида ишламоқда.

Бу тўпламга муаллифнинг асосан янги шеърлари киритилди.

В  $\frac{70403-144}{350(06)-78}$  57—78

© «Ёш гвардия», 1978.

## САМОЛЁТДА ТУФИЛГАН ШЕЪР

Бу дунё ажаб яралган-да,  
Юқоридан туриб қаралганда:  
Тоғ — култета,  
Дарё — энсиз камар,  
Сахро — тарам-тарам кафт,  
Уйлар — гугурт қути,  
Дарахтлар — гугурт донаси.  
Одамлар — ғивир-ғивир чумоли —  
Ёлғиз тирикчилик хаёли...  
Юқоридан туриб боқсанг оламга —  
Шундай туюларкан одамга...  
Бу дунё ажаб яралган-да,  
Ёнига тушиб қаралганда:  
Тоғ — маъданга ҳомиладор аёл,  
Сахро — гулзорни яширган хаёл,  
Дарё — висолга ошиққан ошиқ,  
Дарахт — яшил қўшиқ.  
Уйлар — ҳижрону висолни,  
Камолу заволни,  
Кулгию кўз ёшни,  
Ситаму бардошни —  
Бағрида яширган бошпаноҳ,  
Ёки ҳар бир уй бир нисбий дунё.  
Одамлар — миллиардлаб одамни  
Ўзида сиғдирган оламни  
Мушздай қалбига жо этган  
мавжудот,  
Олийлар тўпида энг олий зот...  
Менинг қалбим ҳам дунё:  
Унинг ҳам бор  
ўз тоғи,  
дарёси,  
сахроси,  
Дарахти,  
уйлари,  
одами,  
Бор — шу рангин оламдай олами..

Қалбим дунёсига бермоқ-чун баҳо  
 Юқоридан кўз солма,  
                                 бўлсанг ҳам  
   дахол

## БАҲОРГА УТИНЧИМ

Қўшни қизнинг қўшиғи  
 Яна қийнар қалбимни.  
 Олисдадир ошиғи,  
 Қабул эт матлабимни:  
 Унинг ёнига тез бор,  
 Кўз ёшини арт, баҳор.

Неча йилки йўлингга  
 Йиғлаб чиқар бир она.  
 Хомуш боқиб гулингга,  
 Сўнмас дарди тўлғанар.  
 Унинг ёнига тез бор  
 Қадини кўтар, баҳор.

Лойланган даричани,  
 Сен деб очдирди бёмор.  
 Тарк айлади танчани,  
 Гарчи танда йўқ мадор.  
 Унинг ёнига тез бор,  
 Ўрнидан турғиз, баҳор.

Сен келгунча ҳаётни  
 Тарк айлади боғбон чол.  
 Кампир қарғаб мамотни  
 Боғда кезар бемажол.  
 Унинг ёнига тез бор,  
 Боғига гул соч, баҳор!

Ҳали мудроқ шохчага.  
Умидвор боқар келин.  
Тўрт дона довуччага.  
Алмашар бору йўғин.  
Унинг ёнига тез бор,  
Умидин ушат, баҳор!

Деҳқон, мана, саҳардан,  
Уруғини саралар.  
Булутга қилиб зарда,  
Даласини оралар.  
Унинг ёнига тез бор,  
Манглайдан ўп, баҳор!

\* \* \*

Мен қуёш билан сўзлаша оламан:  
Унинг тили — нур, ўт,  
Менинг тилим — шеър.  
Мен тун билан ҳам сирлаша оламан;  
Унинг тили — сукут,  
Менинг тилим — шеър.  
Дардлаша оламан маъюс гул билан:  
Унинг тили — атри,  
Менинг тилим — шеър.  
Гоҳ менга ҳамсуҳбат бўлади тикан:  
Унинг тили — заҳри,  
Менинг тилим — шеър.  
Шеър — тилим сўйлатар мени бехато  
Турфаранг тилга бой кенг олам билан.  
Лекин сўзлашолмай ночор қолгум гоҳ  
Ўзи ўзимдай, сўзи сўзимдай  
бир одам билан...

## ҚАТРАЛАРДА НУР ЁНАР

Қатраларда нур ёнар,  
Қатраларда нур авжи.  
Шўх гўдакдай уйғонар,  
Илҳом завқи, шеър мавжи,  
Қатраларда нур ёнар,  
Туйғу акси қатрада.  
Олмос каби товланар,  
Юлдуз рақси қатрада,  
Булбулнинг кўз ёшими,  
Элчими у самодан?  
Ёрнинг узук тошими,  
Гавҳарми ё дарёдан?  
Навоий байтидаги  
Оҳанрабо нуқтадир?  
Айрилиқ пайтидаги  
Армони дил сўхтадир?..  
Не бўлса ҳам гул узра  
Титраб боқар қатралар.  
Малоҳат ўти ичра  
Жонни ёқар қатралар,  
Эсма, сабо, ором ол,  
Қатрани тўкмоқ гуноҳ.  
Кўркини шу қатрада  
Кўз-кўз этмоқда дунё.

## ОЛАМДАН РАНГ ИЗЛАБ

Оламдан ранг излаб ўтар кунларим,  
Мени овутолмас мен билган ранглар.  
Ранг излаб, ранг излаб ўтар тунларим,  
Гоҳ беранг кўринар анвойи тонглар.  
Камалак қатида қанча ранглар жо,  
Баҳор кулгусида ранглар талоши.  
Ўзбек атласида неча ранг жило,  
Ҳар рангда — қалбларнинг ёниқ қуёши.  
Шу ранглар етмасми, дерсиз, дўстларим,  
Боболар битган-ку барчасига ном?  
Нетай, бу ранглардан қонмас кўзларим,  
Ҳамон ярим турар мен истаган жом...  
Илҳомнинг сеҳридан ҳисларда тўлқин,—  
Кўзлар бир нуқтага бўлганида жо.  
Жингалак сочларин титганда эпкин,  
Ойбекка не рангда кўринди дунё?  
Ҳибсдан чиқаркан, сиқса-да, кишан,  
Қонланган қуёшга чўзаркан қўлин,  
Эгилмас бўйнига сиртмоқ тушаркан  
Мусага қай рангда кўринди ўлим?  
Пойида кўраркан ота бошини,  
Кафтида қўнгандай бахт қуши гўё,  
Номард Абдуллатиф шоҳлик тожини —  
Кияркан, не рангда кўринди риё?  
Хурофот тош бўлиб отилган чоғи,  
Бенажот Ҳамзанинг кўзига, ажаб,  
Не рангда товланди ҳақиқат боғи,  
Не рангда балқиди қаҳр ила ғазаб?  
Ҳайвонлар тўпида бегуноҳини  
Учратиб, бир лаҳза сурганда хаёл,  
Сахро ютар экан ўтли оҳини,  
Лайлига қай рангда кўринди висол?  
Севгига етганда айрилмоқ — даҳшат,  
Ўртада қалқондай турганда паймон.  
Не рангда кўринди тобут қучган пайт.  
Зулфия кўзига туганмас ҳижрон?

Инсон оёғини туймаган маъво  
Бағрига нур бўлиб отилар экан,  
Фазогир кўзидан қуюлган зиё —  
Ишончда порлади қандай сирли ранг?  
Бир парча қалбини қўшиб эккандай —  
Бўрсилдоқ тупроққа ташларкан чигит,  
Интизор боқаркан фарзанд кутгандай,  
Деҳқонга не рангда кўринар умид?..  
...Оламдан ранг излаб ўтар кунларим,  
Жисмлар рангимас, ҳислар рангини.  
Шу йўлда тонгларга сингар тунларим,  
Эговдай артиб гоҳ кечмиш зангини.  
Қайғу қай рангда-ю, қувонч қай рангда,  
Тушлар қай рангда-ю, қай рангда рўё.  
Шуларни билмасам — ором йўқ менда,  
Шуларсиз берангдир бу ҳар ранг дунё.

## ТОҒ ОҚШОМИ

Туннинг қора денгизига  
Сингиб, қора томчидай,  
Дов-дарахтлар ўз рангидан  
Тониб, эриб бормоқда.  
Тун қоп-қора чавандоздек,  
Қўлидаги қамчидан  
Турфа-турфа ранглар узра  
Қора муҳрин босмоқда.  
Кумуш танга сачратганча  
Куйлаётган чашмалар,  
Қўшиғидан тонмаса-да,  
Ранг йўқотар ноилож.  
Шу пайт тоғлар тун завқини  
Сўндирмоқни чамалаб,  
Ўз қўйнида пинҳон тутган  
Ойдан кияр бошга тож.



## ДЕҲҚОН ЁЗИ

Айронингдан қуйгин, бобожон,  
Тугабдими? Майли, ўксима.  
Бу иссиқни кесмаса айрон,  
Кесолмайди бошқа ҳеч нима.  
Мен келгандим ҳорманг демоққа,  
Ҳолингдан бир олмоққа хабар.  
Тиқилди-ку нафас томоққа,  
Мумдай эриб кетди-ку мадор.  
Бошинг узра соя солган тол  
Ўз бошига тилайди соя.  
Кўкда қуёш ўзи ҳам беҳол,  
Суюнмоққа излайди қоя.  
Айни нонни ёпар чоғида  
Ортганидай тандир иссиғи —  
Олов ёнар ёз ўчоғида,  
Далаларда ишнинг қизиғи.  
Баҳор бўйи қорган зуваланг  
Хамир бўлиб етилар бу кун.  
Сен тандирдан нари жилмайсан  
Чиқсин, дея, нонларим бутун.  
Ўйларингдай кунлар ҳам узун,  
Орзуингдай оловли фасл.  
Тонг тафтидан зумда эрир тун,  
Дала ёзи — эмасдир ҳазил.  
Биз, шоирлар, ёниб мақтаймиз,  
Деҳқон ёзин салқин хонада.  
Далаларни жаннат атаймиз,  
Дўзахини четлаб панада.  
Мен-ку келдим мадҳинг куйлашга,  
Дилда-уйда ўйланган ташбиҳ.  
Таслим бўлгач сабрим оташга,  
Ташбиҳ бўлди ўзимга танбиҳ.  
Бу иссиқдан бир нафас ютмоқ  
Шоёр битмоқдан минг қарра оғир.  
Мен миёрага изласам туроқ,  
Сен ёзарсан оламга тақдир.  
Қалб чанқоғин босмоғи-ку рост,

Лекин сувнинг ўрнин босмас шеър.  
Деҳқон бобо, чўзилгин бир оз,  
Кетмонингни қани менга бер!..  
Не гап ўтди дилингдан, отем,  
Аҳволимга боқасан ҳайрон.  
Хўрсинасан: «Қўйсанг-чи, болам,  
Тугаб қолди кўзада айрон...»

## **ГЎДАКЛИКДАН ҚОЛГАН ХОТИРА**

Оч қашқирдай увлайди  
Совқотиб дайди шамол.  
Мўри тутун пуфлайди,  
Хўрсингандай дардли чол.  
Ташқарида изғирин  
Тимдалайди ойнани.  
Ваҳимаси яширин  
Армон эзган онанинг.  
Икки бола тўшакда,  
Бешикдадир кенжаси,  
Шам липиллар токчада,  
Узун қишнинг кечаси.  
Ярим чувилган кўсак  
Нам таратар хонага.  
Инграйди бемор гўдак,  
Зорлангандай онага.  
Бешикнинг ёпғичига  
Она артиб ёшини,  
Дардин ютиб ичига  
Силар гўдак бошини.  
Ичга ютилган дардлар  
Панжа суқар юракка.  
Аёл яна қўл чўзар  
Чала қолган кўсакка.  
Бу кеч сўнги ўтинни  
Қалади у печкага.  
Гарди қолмади уннинг  
Не пиширар эртага?  
Бўғзида кўндаланг тош

Нола бўлиб эрийди.  
Ҳар чаноқда қатра ёш  
Муз каби ялтирайди.  
Алла эмас, ҳазин куй,  
Бош урар тўрт деворга  
Шам нуридан хира уй  
Титраб кетар оҳ-зордан:  
«Кетди бошдан соябоним  
Қайғуга ҳамхонаман.  
Тангрига етмас фиғоним,  
Айрилиқда ёнаман.  
Бедазорда кишнаган той  
Соғинибдир онасин.  
Отаси йўқ уч болакай  
Кимга айтсин ноласин.  
Номгинанг ўчсин уруш,  
Йўқми поёнинг ахир.  
Не балога айладинг дуч,  
Бўлди толеим тахир...»  
Оч қашқирдай увлайди,  
Совқотиб дайди шамол.  
Қўлда кўсак, мудрайди,  
Ҳориб, совқотган аёл.  
Сўнади сўнгги чўғ ҳам,  
Очлик ҳам бўлар унут.  
Бир липиллаб ўчар шам,  
Хонага чўқар сукут.  
Тушга кўчар армонлар:  
Эри қайтганмиш ғолиб,  
Бир қўлида олову  
Бир қўлида нон олиб...

\* \* \*

Үзинг экмаган боғда роҳат этмоқ кўп мушкул,  
 Үзинг битмаган шеърнинг дардин туймаган мисол.  
 Мен яйраган боғларни экканларга ташаккур,  
 Мен ёзмаган шеърларни ёзганларга тасанно.  
 Мен-ку, боғ эколмадим, боғбон эмасман, зотан,  
 Шоирману шеърим йўқ — ҳавас қилса арзирли.  
 Лекин меҳри бошимга қуёш бўлган шу Ватан —  
 Бағрида кўп боғбону шоирларнинг асили.  
 Бири мен деб битса шеър, бири менга тутар гул,  
 Она сутидай азиз, ўгитидай беминнат.  
 Шу меҳрдан қўр олиб, дунё танир бу кўнгил,  
 Саховат тахти яшнар — соҳиб бўлса валломат.  
 Лекин, дўстлар, бир қўлдан шеър ўқиб, гул ҳидламоқ,  
 Ғазалдан сеҳр туйиб, асалдан меҳр сезиш,  
 Шеър ила тонгни кутиб, гул билан шомни кутмоқ.  
 Хаёлда осон аммо, амалда кўп мушкул иш.  
 Бир қўлда тутмоқ қийин ҳам кетмон, ҳам қаламни,  
 Қоғоз ила тупроқнинг ўзгадир ноз-фироғи.  
 Ҳаммага насиб этмас, нурга безаб оламни —  
 Бир ён куйласа шеъри, бир ён гулласа боғи.  
 Табиатдан кам томар қўш ҳиммат томчилари,  
 Гул десанг — шеър интизор, шеър десанг — гул бағри қон.  
 Бу омаднинг кам бўлмас залворли қамчилари,  
 Бу заҳмат талошининг гувоҳи — Шариф Нурхон.  
 У яратган чаманда яйрамоқда — кўп ҳузур,  
 У яратган шеърлардан ўз дардинг тўйган мисол.  
 Мен яйраган боғларни эккан қўлга ташаккур,  
 Мен завқ олган шеърларни тўккан дилга тасанно.

\* \* \*

У юрагини ғалиб кўрмоқ истарди,  
Қуёш қилиб кўкка кўтармоқ истарди.  
Бўлмади,  
Орзу пиёласи тўлмади,  
Умидлар қулади қанотсиз қушдай,  
Ниятлар тарқади ҳаётсиз тушдай.  
Юрак ҳамон қолди юраклигича,  
Тилак армон бўлди тилаклигича...  
Сўнг,

у юрагини олди қасдига,  
Қарамай оламнинг баланд-пастига,  
Чекиб ташламоқ бўлди тамаки каби,  
Тутундан умридай сарғайди лаби.  
Чекди у юрагини қоғозга ўраб,  
Ё раб...

Тутун номи билан заҳар ютди у,  
Юрак тугадини кутди у.  
Юрак ҳамон қолди юраклигича,  
Тилак армон бўлди тилаклигича...  
Сўнг,

ичиб ташламоқ бўлди юрагини:  
Қадаҳларга қуйди қултумлаб уни.  
Шароб номи билан оғу ютди у,  
Юрак тугадини кутди у.  
Юрак ҳамон қолди юраклигича,  
Тилак армон бўлди тилаклигича.  
Гоҳ нидо берди у: «Токай тутайман.  
Қачон тугайман?»...  
Бир кун жонига тегиб,  
Аҳд этди мушт тугиб;  
«Кел, энди ортиқча бўлмай безовта,  
Уни узиб ташлай оловга.  
Бир парча қоғоздай ёниб бўлсин кул,  
Қутилардим буткул!...»  
Отди у юрагин олов тафтига,  
(Қайдан билсин — бу журъат

Бахт кўндирар кафтига?)  
Узиб ташлаганди, йўқдай кераги,  
**Мухаббат** оловига тушди юраги.  
Кул бўлди, дейсизми?  
О, қайда?!  
Юрак тобга кира бошлади қайта.  
Ва... бир кун қараса,  
Бош узра нурфош —  
Юрак ёнар эди...  
Юракмас, **ҚУЁШ**...

## МАРЖОН ЭТИБ

«Баҳор келди» дея янграр  
Момақалди роқ.  
«Баҳор келди» дея чақнар  
Дам-бадам чақмоқ.  
Анҳорларда бўтана сув  
Ҳайқирар хушнуд;  
«Баҳор келди, қиш тиклаган —  
Муз — тўсиқ унут...»  
Само сочган нур мавжида  
Баҳор хабари.  
Сабо ёйган куй авжида  
Баҳор асари.  
«Баҳор келди» — хушхабардан  
Уйғонди ҳар ён.  
Фақат, замин боқар вазмин,  
Мамнун, безабон.  
Она тупроқ гулбаҳорнинг  
Васли билан маст.  
Уйлар: «Баҳор менинг учун  
Келмас ва кетмас.  
Яширгандим баҳорни мен  
Ўтли қўйнимга,  
Қиш қувилгач, маржон этиб  
Тақдим бўйнимга»...

## БАЛОҒАТ

С. га

Уни ҳеч ким экмаган эди...  
Оёқларнинг остида қолиб,  
Таралганда баҳорнинг ҳиди —  
Чикди тупроқ остидан қолиб.  
Биров унга этмади парво,  
Ўтқазмади соз жойга олиб,  
Қийналса-да, хашақлар аро,  
Ўсаверди мағрур ва қолиб.  
Босди уни қуюқ соялар,  
Йиғламади қисматдан нолиб.  
Эгмоқ бўлди уни шамоллар  
Эгилмади у ўсди қолиб.  
...Бир кун етди илдизи сувга,  
Кўзни тортди етук камоли.  
«Меҳрибон»лар топилди шунда:  
«Мен экканман...  
Менинг ниҳолим...»  
Мева тугди — бир қадаҳ шарбат,  
Татиганда тил ёрар боли.  
Не боғбонлар қилур каромат:  
«Бу ниҳолнинг бордир иқболи»...  
Ниҳол бугун бўлмоқда дарахт,  
Теграсида минг битта толиб.  
У — мақтовмас,  
Орзулардан маст —  
Интилмоқда қуёшга қолиб.

## ИЛТИЖО

Сочингда ой нурин ҳорғин жилваси,  
Коинот меҳридан тинмай сочди зар.  
Тун бўйи таралган булбул навоси —  
Сенга қасидадир, бепарво дилбар.  
Дудоғинг лаълига ранг қўшди юлдуз.  
Тун ҳам ўчаёзди сингиб қошингга.  
Хув, тоғлар ортида талпинар кундуз,  
Тилла қош бўлай дер ҳилол бошингга.  
Дунё парвонангдир, айлагил карам,  
Наҳот илтижога эҳсонинг сукут?!  
Жилмайсанг кулармиш бу тонг субҳидам,  
Йўқса тун билмасмиш бу кеча ҳудуд...

## ҚУЁШ КАБИ КЎҲНА-Ю

Мен шаҳримнинг шовқинларин мудроқ ютган ярим тун  
Сокинликнинг қўшиғидан сармаст, сархуш сайр этгум.  
Тубсиз қалбим уммонида туйғу бўлиб порлаган —  
Инжулардан маржон тизиб, саҳаргача шеър битгум.  
Мисралардан жой эгаллар сукут элтган Регистон,  
Арк девори ғиштларидай ўйлар чулғар саноксиз.  
Булут салла ўраб олган мағрур Минори Калон  
Шеър сўнгида ундов бўлмоқ истаб кирар сўроқсиз.  
Лаби ҳовуз саҳни узра одимлайман ҳоргунча,  
Букри тутлар пинак бузмас кексалардай мудрайди.  
Мадрасалар бир-бирига қоматини эггунча,—  
Тарихини унсиз сўйлаб, ўтмиш сари судрайди.  
Чорминорнинг қучоғидан балқиб чиққан пари-ой  
Чорбакирнинг бағрин кўзлаб бўлар экан равона,  
Ерда сонсиз чироқларнинг кўзгудаги аксидай  
Миллион-миллион каниз-юлдуз теграсида парвона.  
Сомонийнинг кошинлари — зар ёғдуда етмиш ранг,  
Ҳар ғиштига битта юлдуз қўнган каби ярқирар.  
Тун бағрини пора айлаб, боғдан учган Шашмақом  
Гоҳ қўл каби секинланар, гоҳ дарёдай шарқирар...  
Онажони оғушида эрка ўғлон мисоли  
Эски шаҳар бағри аро янги шаҳар улғаяр.



Бирин ортар камоли-ю, бирин ортар жамоли  
Ўтмиш ила ҳур истиқбол чирмашибди шунчалар.  
Бу шундайин афсонавий, замонавий шаҳардир,  
«Минг бир кеча» тавсифида бунга монанд диёр йўқ.  
Одамлари ўзи каби афсонавий, баҳодир  
Зотан дерлар: афсона ҳам ҳақиқатдир — мағзи тўқ.  
Аҳли дониш баҳс юргизар шаҳрим ёшин билгали  
Балки бир кун ойдинлашар — илм асри-ку бу замон,  
Олимлардан узр сўраб, журъат этдим айтгали;  
Шаҳрим қуёш каби кўҳна,  
Қуёш каби навқирон...

\* \* \*

Болаликда Ойни узиб олмоқ истардим,  
Етим қўзи она сутин қўмсаган каби.  
Йиллар ўтди... Чопқир умр сўрамай изн —  
Ўтса ҳамки, ўчмас экан инсон матлаби.  
Мана, бу кеч тушда Ойни узиб олибман:  
Кафтим узра порлаётир бир тилим ҳилол.  
Орзуларим онасидай ёнармиш шўх-шан,  
Ақли кирган савдойидай ҳайратда мен лол.  
Тугал қувонч бўлмас экан тушда ҳам ҳайҳот:  
Завқим сўниб, талаш бўлмиш бирдан ҳилолим.  
Қулоғига тақмиш уни ёрим шу заҳот,  
«Ушалди,— деб,— ойдан сирға тақмоқ хаёлим».  
Бувим уни саримсоқ деб босмиш паловга,  
Ўғлим қовун хаёл айлаб ермиш бемалол.  
Бобом сариқ чақа дея бермиш гадога,  
Ўғри мушук қаймоқ ўйлаб ялармиш хушҳол...  
Уйғонаман... Ширин тушдан аччиқ дард эҳсон,  
Эндигина қўл етганда учгандай Хумой.  
«Орзу завқин асраб қолмоқ эмасдир осон» —  
Деган каби деразамдан кулиб боқар ой...

## ЎҒЛИМГА

Тасаввури — она сути каби соф,  
Хаёллари — бодом гулидай шаффоф.  
Кулгисидан чашма саси янграган,  
Кўзларини юлдуз эмас, юз офтоб —  
Паноҳ билган гўдагим!  
Гоҳ кўраман: оғир ишга уринган,  
Юзингда гоҳ кўз ёши, гоҳ нур инган.  
Истайсанки: ҳамма сенга бош эгса,  
Дунё аро бола бўлиб кўринган —  
Тиним билмас юрагим!  
Сенга: қуёш — қўлдан қочган олов шар,  
Ҳил-ҳил пишган ўрик — ёниқ юлдузлар.  
Қаймоқ тўла пиёладир оймома,  
Уфқ бағри — оловланган лолазор,  
Овунчоғим, эрмагим!  
Кўп насиҳат битган шоир боболар,  
Насиҳатки, қат-қат эзгу маънолар.  
Изламагин бу шеъримдан насиҳат,  
Бундан менинг дардим бўлиб жой олар —  
Битта нодир истагим:  
Оталик-ку худоликдан аълороқ,  
Фарзанд бахтин асраш қийиндир бироқ.  
Кўз ёшингни бегона қўл артмасин,  
Шубҳалардан сезар дилим бир титроқ,—  
Иқбол номли тиргагим!  
Сен — йўлдасан, дунё ҳали кўп олдда,  
Гўё ипи ечилмаган юк халта.  
Бу халтада ёнма-ёндир олов, сув,  
Ёндош ётар маъсум лола, ойболта.  
Шундан дилда ҳадигим.  
Сенинг олов шаринг кимдир ютмоқчи,  
Қаймоғингни кимдир кўкдан тўқмоқчи,  
Уригингни тўкиб, эзмоқ истар ким,  
Ким гулзоринг гулхан қилиб ёқмоқчи,  
Шундан титрар тилагим.  
Ҳомийсизнинг хўжайини кўп бўлар.  
Бир тепа, бири манглайин силар.

Одамларга тобе эрур дунё ҳам,  
Шафқат тилар ҳаммадан у, раҳм тилар,—  
Ёнмасин, деб кўрагим.  
Кафтинг узра қолар бир кун, болажон,  
Дунё бахти лим-лим тўла лола жом.  
Гош отилар ҳар томондан бу жомга,  
Асролмасанг — сендан домангир жаҳон,  
Қалбинг қалқон айлагин!  
Истардимки, фикринг гўдак қолмасин,  
Тасаввуринг софлигидан тонмасин,  
Қуёш — шару юлдуз — ўрик, қаймоқ — ой  
Ўз кўшида ёнмас бўлиб сўнмасин,  
Сарғайма, сен, чечагим!

\* \* \*

Чавандознинг оти бир кун оқсади,  
Тоғ қоридай эриб кетди орзулар.  
Кўзларида илк бор армон қалқиди,  
Сароб бўлди шуҳрат сочган ёғдулар.  
Илк бор шунда  
Қарғади у тақдирни.  
Шабадамас,  
Чангни ютди илк бора  
Илк бор эзди  
Оғир тоши таҳқирнинг  
Қалби бўлди улоқ каби садпора.  
Тулпорининг жароҳатин ўпаркан —  
Синган гулга ёноғин босган каби,  
Шу кун сизди:  
Нақадар оғир экан  
Пойгаларда орда қолмоқ азоби..

## СИЗНИ ҚЎМСАБ

Сўлим шаҳар узра қўнса сур оқшом,  
Ҳориб, парда тортса юзига кундуз.  
Бездирган шовқинлар топиб сал ором,  
Кўкда ишқли кўздай чақнаса юлдуз,  
Юрагим негадир зориқиб шу чоқ, —  
Бағрингни қўмсайман, қадрдон қишлоқ!

Уйиндан толиқиб шўх тойчоқларим  
Хонага киришса тўполон билан.  
Онаси бағрига босиб, деса: «жим,  
Даданга халақит берма, жон болам...»  
Юрагим нечундир орзиқиб шу он,  
Меҳрингиз қўмсайман, азиз Онажон!

Ташвишлар тузоғи фикрим этса банд,  
Таскин, тасаллига қалбим қолса зор.  
Шубҳалар руҳимга солса-ю, каманд,  
Тугунин ечолмай қолганда ночор,—  
Бир оғиз сўзингиз бўлгудек далда,  
Сизни беихтиёр қўмсайман, дада!

Дўсту улфатларнинг давраси аро  
Ўрним арзигулик,  
Йўқдир нолишим.  
Лекин ажаб экан қалб деган дунё:  
Бошимни ёндирар сўззан болишим.  
Борига ношукур қалб Сизни қўмсар,  
Эй, Сиз — болаликда тутинган дўстлар!

Умримдан мамнунман,  
Толеимдан шод  
Дунё кезган сари — ҳисларим дарё.  
Ёрқин истиқболдан сўзлайди ҳаёт,  
Ва лекин, ростини тан олсам, гоҳо —  
Сизни қўмсаб, ёшга тўлар кўзларим,  
Олис болаликда қолган ҳисларим!

## ШОИР

Қалбим чегарасин бузаман бу кеч  
Олам сирларига қилди у торлик.  
Ҳей, кўз нурым,  
Юлдузларнинг бағрин теш,  
Ҳей, хаёлим,  
Қалбимга қил дастёрлик.  
Юрак керак менга —  
Олам сиғгудек,  
Гарчи ўзим кўз илғамас зарраман.  
Мен сирларнинг дунёсига кириб тик,  
Бошқаларга бир-бир чақиб бераман.

\* \* \*

Умри ўтди кафтдай қишлоқда,  
Олам кезмоқ бўлмади насиб.  
Меҳрин тўкди азиз тупроққа,  
Дехқончилик — унга бобо касб.  
Мажлисларга бўлмади вакил,  
Нишонлар ҳам тақмади қатор.  
Лекин ундан чиққан ҳар ақл  
Кўплар учун бўлди мададкор.  
Мақтанмади кўксини кериб,  
Олисларга кетмади донги.  
Лекин пахта оқлиги уриб,  
Соч-соқолга кўчди нур ранги.  
Кирди:  
Эллик,  
Олтмиш,  
Етмишга,  
Юбилейлар кўрмади бироқ.  
Илинж билан боқмади ишга,  
Илинждан у яшади йироқ.  
Бир нарсадан фақат: кўнгли тинг  
Эрта,  
Сўнги нафас чиққан чоқ,  
Тобутини кифтга беилинж

Кўтаради  
Эъозлаб  
Қишлоқ...

## ХАЁЛ

Ж. Умарбеков расмига қараб.

Она тиззасига бош қўйган бола,  
Балки ўйлаб ётар,  
Балки туш кўрар.  
Онанинг бошида қанча хаёллар,  
Хаёллар сочидай бошини ўрар.  
Боланинг ёнида безакли варрак,  
Йўқдир шу варракдан ўзга орзуси.  
Онаси ўй сураб,  
Безовта юрак:  
Орзуга етсайди умид ғунчаси.  
Отлар беда чайнар,  
Болалар яйрар,  
Варраклар тўш урар булутларга нақ.  
Чиғириқ айланар,  
Дарахтлар яшнар,  
Замин — меҳварида кезар уриб чарх.  
Ҳаёт давом этар  
Беғам, беармон  
Гўёки умрига ёт эрур завол.  
Барининг қувончу ғамин Онажон —  
Елкага ортганча суради ХАЁЛ...

## РИВОЯТ

Товуқлар ҳам бир пайт учармиш,  
Чарх урармиш кўкда беармон.  
Турналардай кузда кўчармиш  
Чувалатиб самода арқон.  
Насибасин ўзи излармиш  
Гоҳ яйраб, гоҳ қийнаб азоби.  
Тухумини жондай аярмиш,  
Ҳеч кимсага эмасмиш тобе.  
Лекин бир кун инсон деган зот  
Ишлатибди бир содда ҳийла:  
Ҳовлисига қўнгани заҳот  
Дон сочибди товуқни «сийлаб».  
На дом қўймиш ва на отмиш ўқ,  
Дон сочибди, фақат, текин дон.  
Азиятсиз ҳаётдан товуқ —  
Қувнаб, этмиш ҳовлини макон.  
Унут бўлмиш учмоқ ҳаваси,  
Унут бўлмиш зангори осмон.  
Кўзларини этибди басир  
Бежавотир ҳаёт, текин дон.  
Ўзлигидан тониб қанотлар,  
Шалвирабди охири беҳол.  
Кор этмабди чорлов, даъватлар  
Ҳамжинслари кўчгани маҳал.  
Қуш номидан кечиб буткул воз,  
Ўз эркини ўзи бўғибди.  
Энди насл илинжидамас,  
Мутеликдан тухум туғибди.  
Ҳамон қўлга қарайди товуқ,  
Кўз тикканча бир ҳовуч донга.  
Қарагали ҳатто ҳуши йўқ,  
Қушлар билан тўла осмонга.

Илк ёғдудан кипригимда шуълалар,  
 Қуёш қалбим кезиб,  
 Кўкка кўчмоқда.  
 Жўякларда беранг сув — тиллоланар,  
 Ер қуёшни сувга қўшиб ичмоқда.  
 Сўнги нурдан кипригимда шуълалар,  
 Қуёш — кўзим аро қўнган ол нуқта.  
 Дала узра қирмиз нафас товланар,  
 Ер қуёшни нафас қилиб ютмоқда.  
 Ҳар япроқдан қуёш ҳиди анқийди,  
 Бошоқларда қуёшчадай тўлар дон  
 Мен қуёшга қондираман тупроқни,  
 Ҳеч ким мендай унга бўлмас нигорон.  
 Шу боисдан оқшом уни ухлатиб,  
 Гўдак каби уйғотаман эрта тонг.  
 Кимки унга озор берса тош отиб,  
 Унинг эмас,  
 Менинг қалбим бўлар қон.

## ИЖОБАТСИЗ ДУОЛАР

Уруш қонга тўйиб чекинган йиллар...  
 Рамазон ойлари биз тўрт-беш бола —  
 Очликмас, шўхликдан уйма-уй дайдиб  
 «Рабиман» айтардик тўполон билан:  
 «Шоюсуфни овга олиб чиқдилар,  
 Чоҳга ташлаб бўри еди дедилар.  
 Бўриларни келтириб қон бердилар,  
 Валло-булло кўрганим йўқ дедилар»...  
 Қишлоқда ҳовли кўп, дарвозалар кўп,  
 Эринмай айланиб юрардик бир-бир.  
 Кимдир нон берарди, ким сепарди сув,  
 Фақат, ранжитмасди Фотима кампир.  
 У бизни кутарди ҳар оқшом муштоқ,  
 Нураган деворга орқасин тираб.  
 Кафтида тутганча бир ҳовуч туршак,  
 Сасимиз эшитгач турарди инграб.



— Қани, тойчоқларим, яна бир бора  
Ўргатган қўшиғим айтинг беҳато.  
Сизнинг илтижонгиз шу оқшом зора —  
Эшитиб қолса-я, беҳабар худо.  
Бизга таниш эди кампир қўшиғи,  
Тўтидай чулдираб этардик такрор.  
Кампир кўзларига чўкарди қайғу,  
Йиғларди... Қўшилиб йиғлардик зор-зор  
«Бормисан, тингла дуомиз, эй худо,  
Холамиз дардига бергин сен шифо  
Қайда қолди навқирон қўш лочини,  
Қайга сочдинг эркалари хокини.  
Қайтариб бер дийдасининг нурини,  
Тўлдиришсин ҳовлисининг тўрини.  
Холамиз боссин уларни бағрига,  
Сўнгра беғам бош қўйсин қабрига»...  
Рамазон ўтгунча шу аҳвол такрор,  
Кейин унутардик... ўйинга асир.  
Лекин кафтда туршак бизларни излаб  
Кўчада тентираб юрарди кампир.  
— Ҳой, болам, қўшиғинг айтгин бир бора,  
Гўдакнинг тилидан қабулдир дуо.  
Сенинг илтижонгни шу оқшом зора  
Эшитиб қолса-я, беҳабар худо...  
Худого етмади бизнинг дуолар,  
Шаҳидлар сингари кетди бедарак.  
Кампирни йиқитди оғир жафолар,  
Сўнг бизга тутмади ҳеч кимса туршак.  
Дарахтнинг етилган меваларидай  
Улғайиб, ҳар ёнга тарқалдик биз ҳам.  
Тўпланиб, сайради қайтган аридай,  
Энди кечмишларни эслаймиз баъзан.  
Лекин гўдакликнинг пок дафтариди  
Бир қора саҳифа йиғлайди ҳамон.  
Бу ўша — Фотима кампирни эзиб,  
Бизларни дуоғўй қилган дард, армон...

Учрашганда хўрсиади дугонанг:  
 «Қуриб кетсин, оҳ, сизларнинг ишингиз.  
 Биллур ишққа қайдан қўниб қолди чанг,  
 Ҳижрон тоши синдирдими тишингиз»...  
 Учрашганда дўстлар бошлар узоқдан:  
 «Нима қилиб қўйдингиз-а, тентаклар.  
 Қўрқдингларми ҳижрон қўйган тузоқдан,  
 Саробмиди ишқ сўзлаган эртаклар?»  
 Хуллас, кимки менга келса рўбарў.  
 Саломдан сўнг, ёғилади таъналар.  
 Қисмат алдаб, ажралишган бизлару  
 Ким бировлар гўё биз деб ёнарлар.  
 Севишган чоқ кимдан олувдик русхат,  
 Ажралишган чоғимиздан ким гувоҳ?  
 Пичирлашиб, бошланганда муҳаббат,  
 Йўқолганда шовқинга тўлди дунё.

## СЕНГА

Қай куни ҳаётдан воз кечгим келса,  
 Умидлар ғунчасин довуллар юлса,  
 Орзулар армоннинг қўлида ўлса,  
 Табассум лабимга қўнолмай сўлса,  
 Шунда бошим узра эгилиб бирпас,  
 Десанг бас:

— Ёнингдаман-ку!..

Мен яна меҳрингдан яйраб кетарман,  
 Ишончим шубҳага қалқон этарман...  
 Омад тарк айласа, бошим этиб хам,  
 Кўзимга кул рангда кўринса олам,  
 Рақиблар ҳолимдан кулишса хуррам,  
 Қора гирдобига чўктирса олам,  
 Шунда бошим узра эгилиб бирпас,  
 Десанг бас:

— Ёнингдаман-ку!..

Мен яна севгинга сиғиниб шу он  
 Сарбадор сингари кўтаргум исён...

Қувончу аламим топса-ю ҳудуд,  
Бир куни кўз юмсам жон-жаҳон унут,  
Дўстларим кўзда ёш сақласа сукут,  
Совуқ қучоғига олганда тобут,  
Шунда бошим узра эгилиб бирпас.  
Десанг бас:  
— Ёнингдаман-ку!..  
Мен яна тақдирни қилиб чил-парчин,  
Уйғонгум сен билан яшамоқ учун...

## МЕН ҲША

[Қишлоқдаги дўстларимга]

Жилдларни елкалаб чопмаймиз ортиқ  
Қишлоқ кўчасида тўзон тўзғитиб.  
Биз энди пиликсоч қизалоқларнинг  
Кўзин ёшлатмаймиз эрмак сўз отиб.  
\* Қўшни келинчаклар қанд бериб, алдаб —  
Дарахтга чиқармас довучча тер деб.  
Акалар ялинмас энди «хатимни —  
Фалончи қизларга обориб бер» деб.  
Усмирлик дунёсин ҳаёт йўллари —  
Етаклаб келтирди шаҳар қўйнига.  
Бунча чайир экан қисмат қўллари  
Бўшатмас, чанг солса, инсон бўйнига.  
Меҳмондек қатнаймиз қишлоққа энди,  
Она қишлоғимиз бизларга мезбон.  
Ёши улуглар ҳам давра тўрини  
Бизга бўшатишар:  
«Ўтинг, Сиз меҳмон!»  
Салга шапатилаб, одоб ўргатган  
Дадамиз жеркимас энди негадир.  
Айбимиз сезса ҳам қошин чимириб —  
Секин хўрсинар-у, бермас асло сир.  
Жўралар уйига кирсак дил очиб,  
Недандир хижолат тортар беқарор.  
Уйида борини ташлар-у, сочиб,—  
«Айб қилма, қишлоқда...»  
Узр сўрар такрор.

Шунда чувалашар хаёлнинг ипи,  
Танишлар туюлар бўлган каби ёт.  
Мазахдай санчилар тенгдошлар гапи,  
Бу бизга ҳаётдан қандай мукофот?..  
Юракка гулгула солади бир ўй,  
Бақиргим келади жон бори қадар:  
«Ҳой, азиз улфатлар, дўстлар, ёронлар,  
Мен ахир Сиз билган ўша Самандар.  
Мен ўша, сиз билан уватма-уват  
Чигиртка қувлаган сарпойчанг бола.  
Мен ўша сиз билан тутиниб улфат  
Қўй-қўзи боққанман, терганман лола...  
Агар истасангиз кўнглим овламоқ,  
Давра, дабдабага йўқ эрур ҳожат.  
Менга кетмон беринг, тутқазинг ўроқ,  
Далага етакланг, топайин роҳат.  
Эгатнинг бошида, хирмон қошида  
Ёнбошлаб. тановул этайлик чой-нон.  
Ноқулай тавозе этиб хижолат —  
Самимий суҳбатга бўлмасин тўғон»...  
...Шундай дегим келар уларга, бироқ  
Хаёллар кўчасин кезиб қайтарман.  
Ахир, такаллуфлар риёдан йироқ —  
Бўлгач, қай тил билан уни айтарман.  
Фақат, бу фикримни тўкаман шеърга,  
Фақат, шунда кўнгил топар тасалли.  
Қайда бўлсам майли, шу эҳтиромнинг  
Заррасин оқласам дейман ақалли...

## ЙЎЛБАРС

Хайвонот боғида баҳайбат йўлбарс  
Қафасни синдириб чиқди ноғиҳон.  
Осмон ёрилгандай бошлар узра «қарс»,  
Ҳамма аросатда...  
Ур-сур, тўполон...  
Томоша бўлганди ўзи шунча пайт,  
Энди одамларни қилиб томоша,—  
Йўлбарс қадам ташлаб бепарво, лоқайд,  
Секин ерга тушди тўсинлар оша.  
Теварак-атрофда қолмади кимса,  
Йиртқич ҳам йўлини йўқотди ҳайҳот.  
Ҳайратда, тўрт томон боқиб бир лаҳза,  
Қафасга қайтди у, ё раб, шу заҳот.  
Не учун этмади эркни ихтиёр,  
Борми ё бунда бир сиру синоат?  
Наҳотки айламас ўз эли хумор,  
Наҳот асирликдан излайди роҳат?  
Тўғилган маскани экан шу қафас,  
Кўргани-панжара тўсган тор олам  
Ва ҳар кун эрмакдай боқиб бир нафас —  
Завқ олиб кетгувчи бесаноқ одам.  
У билмас кимлигин,  
қандай даҳшатга —  
Ўзининг аждоди соҳиблигин ҳам.  
У билмас тўлиқдир қони қудратга,  
Қалбида интиқом ётганин мубҳам.  
Она диёрини кўрмагандир у,  
Тўқайзор ҳавосин туймаган ҳатто.  
Йўқса, интиларди оромдан айру —  
Қафасни чил-парчин қилгунича то.  
Ҳамжинслар тўпида яйрасайди гар,  
Гар ҳидин сезсайди йўлбарс инини.  
Бўлармиди шунча беқасос, овсар,  
Унутармиди йўлбарслигини..

## БИР ЖУФТ ЛОЧИН

Кўк тоқида бир жуфт лочин  
Чарх уради нур аро.  
Гўё ёлғиз шу жуфт учун  
Яралмишдир бу дунё.  
Чарх уради, шоир қалби  
Юлдузларни қучгандай.  
Чарх уради самандар қуш  
Олов сочиб учгандай.  
Қанотлари нурда ёнар,  
Нурда ёнар кўзларим,  
Туйғуларим тўлқин отар,  
Туғён урар ҳисларим.  
Биров дейди: ўлжа излар,  
Лочин касби чанг солмоқ.  
Биров дейди: шуҳрат истар,  
Истар довруқ, шон ёймоқ...  
О, дўстларим менга улар  
Исёнли жон туюлар.  
Пастда ожиз мусичалар  
Ношуд инсон туюлар.  
Қаранг, ахир кўк тубида  
Хавфу хатарга бефарқ.  
Журъат ила, шиддат ила  
Бир жуфт лочин урар чарх.  
...Гарчи фалак бағри чексиз.  
Гарчи осмон пурзиё.  
Шу лочинлар парвозисиз  
Бефайз эрур бу дунё...

## ЗИЛЗИЛА

Кўҳна Бухорода замин силкинди,  
Нураган биолар қулади ночор.  
Ранжиган кексадай оғир тебранди,  
Лекин ўзлигидан тонмади минор.  
Зилзила — соғ танда ногоҳ қўзган дард,  
Бир дамда ингротиб қўяр қийноғи.  
Зилзила! Бунчалар бўлмасанг номард,  
Каммиди оламда изларинг доғи.  
Нураган уйлар-ку арзимас бир гап,  
Аммо юраклардан ўтди қора из.  
Қудратинг кўрмоқчи бўлсанг гар синаб,  
Кел, сенга маслаҳат берай юзма-юз:  
Одам-ку, азалдан ер деб овора,  
Ўзи сўниб, уни чулғар зиёга.  
Ёрни топтаганнинг тақдири қора,  
Сен нечун ёпишдинг шу бегуноҳга.  
Уни беҳомий деб ўйладингми ё,  
Ахир у — ҳаётбон қодир илоҳа.  
Мўртларни йўқотмоқ этсанг ихтиёр,  
Оз эмас изингга кўз тиккан соҳа...  
Ижод оламида кетар эди баҳс,  
Ҳар қалам тутганда — шоирлик даъво.  
Қуёнлар тўпига киргандай йўлбарс  
Алишер даврага кирди-ю ногоҳ,—  
Ижод майдонида бўлди зилзила,  
Бўлди кунпаякун «шъерий» қасрлар,  
Узилди занг еган қанча силсила,  
Тутар Навоийни кафтда асрлар.  
Бундай зилзиладан ҳамон эл сархуш,  
Сен ҳам илдизи мўрт ижодларга туш!  
Дунё яшар экан — яшар эътиқод,  
Ким ўтга, ким сувга айлади сажда.  
Бир куни ўзи йўқ кимсани, ҳайҳот,  
Худо деб бировлар кўтарди бошга.  
Ажаб, ярим олам неча асрки,  
Унинг соясига айлади таъзим.  
Эътиқод дегани шундай таъсирки,

Ўзлигин унутди инсони азим.  
Бир кун эътиқодлар силкинди ногоҳ,  
Гўё ипи чўрт узилган шокила.  
Коммуна мақсадин шарҳ этган даҳо,  
Эътиқод саҳнига солди зилзила.  
Мазлумлар бахтига бергали камол,  
Зарбингни қурт еган эътиқодларга сол!  
Дунё сиёсатлар жангига майдон,  
Ҳар бир салтанатда минг бир сиёсат.  
Оқди қай бирининг этагидан қон,  
Қай бирин экмиши бўлди риёсат.  
Қамишнинг куз титган бошоғи мисол  
Тўзғиди бариси беролмай тоб,  
«Сиёсатпаноҳ»лар топдилар завол.  
Зилзила солганда буюк Инқилоб.  
Оламда ҳали кўп чирик сиёсат,  
Зилзила, кучингни шуларга кўрсат!  
Меҳнатсиз саодат, ночор садоқат,  
Нурсиз кашфиётлар курашар ҳамон.  
Ғуборлар остида қанча пок ният,  
Зулм музи узра қасрлар омон.  
Шуларни силкитгин бўлса гар мадор,  
Шўрланган девордай қуласин бари.  
Фақат пишиқлари яшасин пойдор  
Гўё Бухоронинг боқий минори.

## **ХОТИРАЛАР ҚАЙТА ОЧАР ЮЗ**

Ел тебратган кўлда ой  
Совқотгандай титрайди,  
Қамишзорда бир оққуш,  
Жуфтин қўмсаб, инграйди.

Сарсон ой унга гўё  
Сарсон жуфти туюлар.  
У ёлворар бенидо:  
«Сайринг бас, туш бехатар...»



\* \* \*

Сен ҳақидаги хотиралар ёр,  
Йўқлик сари кириб бормоқда.  
Узилган гул илдизи мисол  
Хаёлимда чириб бормоқда.

Гулзор аро янги гулларга  
Куч бергандек чириган илдиз,  
Ажаб, сингиб зўр хаёлларга,  
Хотиралар қайта очар юз.

\* \* \*

Қурбақалар — сув какликлари,  
Кўшиғини янгратар яна.  
Ой тарайди зар кокилларин,  
Ҳовуз суви унга оина.  
Не ҳам дейсиз — орзули дунё,  
Қурбақалар сингдирар созга:  
«Ой бизларга бўлмаса шайдо,  
Тушармиди бизнинг ҳовузга...»

\* \* \*

Тун тўлғоқ ўтида ётар тўлғониб,  
Юзида юлдузлар — маржон-маржон тер.  
Эртани туғмоқда дардда қийналиб,  
Табиат, қўллай қол, унга нажот бер.  
Уфқ — тун этаги... Унинг остидан —  
Кўзларин уқалаб, чиқар гўдак тонг.  
Табиат, баркамол фарзанд бер тунга,  
Гўдагин кўриб, кўз юмсин беармон...

\* \* \*

Эшигинг ортида хўрсинади куз:  
«Ҳе-е-й, мен кетмоқдаман... Хайр, яхши қол!»  
Ойнангда кўз ёши қолдирмоқда из,  
Сенга-чи, «хайр» демоқ туюлар малол...  
Қадрига йиғлар куз, йиғлайди ўксиб,  
Ва... тонгда чекинар ортга бедармон.  
Ҳамдард бўлсайдинг, бир лаҳза, чиқиб,  
Йўлига кетарди, балки, беармон...

\* \* \*

Тун жон узаётир — юзи қонталаш,  
Тонг ғолиб жилмаяр унинг бошида.  
Тун инграр: «Қувонма, тантананг бир кун,  
Сўнг юлдуз ясарман кўзинг ёшидан...»

Кун жон узаётир — кўкси қонталаш,  
Шом ғолиб жилмаяр унинг бошида.  
Кун инграр: «Қувонма, тантананг бир тун,  
Сўнг қаҳринг эритгум дил қуёшида».

\* \* \*

Пойимда ўкириб оқади дарё,  
Дарё оқимида ернинг умиди.  
Қонимда кўпириб оқади дунё,  
Қалбимга оқади шеърнинг умиди.  
Дарёни қуритма, одил табиат,  
Токи ер умиди бўлмасин хазон.  
Қонимни тинчитма, айлагин шафқат,  
Умидвор шеърларим бўлмасин армон.

\* \* \*

Оқшом... уфқ яллиғида  
Оловланар бир дарахт.  
Слам бир дам сўлиш олган,  
Нигоҳи дам лол, карахт.  
Қуёш ботар маъюс, беҳол,  
Нури етмас олисга.  
Гўё сўнгги умид мисол  
Шу дарахтга осилган.

\* \* \*

Дарё соҳилида бир туп қарағай  
Ювингани чиққан қуёв мисоли.  
Кифтида яшил тўн, тонгга қарағай,  
Гўё хаёлида тунги висоли...  
Ёнида оқ ҳарир кийган оқ қайин  
Сочиқ тутиб турган келинчак мисол.  
Қуёв қоматига термулар майин,  
Кокилин тароқлар ҳазилкаш шамол.

\* \* \*

Шафтоли шохини ювмоқда ёмғир,  
Шафтоли шохини ўпмоқда сабо.  
Шафтоли бошини силайди тақдир,  
Юлдуздан шохига гул тақар само.  
Шафтоли бу олий ҳимматга бефарқ,  
Нозик ғунчаларга улашади жон:  
«Мева бўлгунича чанг солиб бевақт —  
Биттасин узмаса бир дайди тўфон».

\* \* \*

Лочиндан сўраркан ғазалхон булбул:  
— Юксак парвозингни ўргат менга ҳам.  
Юлдузлар остидан сайраин бир дам,  
Куйимдан сочайин олам узра гул...  
Лочиндан сўраркан оғзи қон қузғун:  
— Ўргат журъатингни — учайин жадал.  
Юксакдан оламни қамрасин кўзим,  
Ўлжамга юксакдан ёғдирай ажал...

\* \* \*

Олтинранг олма ва заъфарон япроқ  
Қузнинг амри билан қирқилиб тушди.  
Олма баргга боқмай, ер томон учди,  
Япроқ ел кафтида бўлди ўйинчоқ.  
Барг асраб, авайлаб ғунчалик чоғдан —  
Олмага умрини айлади эҳсон.  
Ажаб тақдир: бугун олма, эъзозда,  
Япроқ изғиб юрар сарсон, саргардон.

\* \* \*

Бахт — ҳуркак қушдир, лекин олтин қуш,  
У қўнган ҳар шохда кулар олтин гул.  
Исталган новдага уни қўндириш —  
Мушкулот мулкида муаммо буткул.  
Қўндирмоқ қийин-у, учирмоқ осон,  
Сал шарпа чўчитса — «оҳ-вой» бефойда.  
Бир карра ранжиган қуш, қўнгли вайрон,  
Ё қўнар, ё қўнмас шу жойга қайта.

\* \* \*

Юлдузлар ёнади йироқ ва яқин,  
Гоҳо ўйга чўмган, гоҳо — жилвакор.  
Гарчи термуламан ҳисларим ёрқин,  
Билолмам, қалбида пинҳон не асрор?..  
Кошки, сен ҳам олис юлдуз бўлсайдинг,  
Васлинг тилагида термулардим зор.  
Сиринг англаб, умид барбод бўлгандан,—  
Розийдим бир умр боқсам умидвор.

\* \* \*

Ўрик шохларига қор қўнди бугун,  
Яланғоч новдалар кийди оқ либос.  
Ечилди дилдаги қиш солган тугун  
Яйрайман от минган гўдакларга хос.  
Завқимга қасд қилиб жилмаяр қуёш,  
Қор-либос йиртилар бергандай фириб...  
Қалбим шу новдадек қолар яланғоч,  
Гоҳи мен ишонган умидлар эриб...

\* \* \*

Чексиз бедапоя ўрилди сўнг бор,  
Яшил гилам ўрни қолди сарғайиб.  
Тойларнинг кишнаши сўнди бу сахар,  
Сершовқин бедазор боқар мунғайиб.  
Челда ўлтирибди болакай маъюс,  
Қўлида титрайди тойчоқсиз тизгин.  
Гўё орзуларин юлиб кетмиш куз,  
Тойларнинг изини силайди ғамгин.

## МУНДАРИЖА

Самолётда ёзилган шеър . . . . .	3
Баҳорга ўтинчим . . . . .	4
Мен қуёш билан сўзлаша оламан . . . . .	5
Қатраларда нур ёнар . . . . .	6
Оламдан ранг излаб . . . . .	7
Тоғ оқшоми . . . . .	8
Деҳқон ёзи . . . . .	9
Гўдакликдан қолган хотира . . . . .	10
Узинг экмаган боғда . . . . .	12
У юрагини ғолиб кўрмоқ истарди . . . . .	13
Маржон этиб . . . . .	14
Балоғат . . . . .	15
Илтижо . . . . .	16
Қуёш каби кўҳна-ю . . . . .	16
Болаликда . . . . .	17
Ўғлимга . . . . .	18
Чавандознинг оти бир кун оқсади . . . . .	19
Сизни қўмсаб . . . . .	20
Шоир . . . . .	21
Умри ўтди кафтдай қишлоқда . . . . .	21
Хаёл . . . . .	22
Ривоят . . . . .	23
Илк ёғдудан . . . . .	24
Ижобатсиз дуолар . . . . .	24
Учрашганда . . . . .	26
Сенга . . . . .	26
Мен ўша . . . . .	27

Йўлбарс . . . . .	29
Б и р жуфт лочин . . . . .	30
З и л з и л а . . . . .	31

## Хотиралар қайта очар юз

### (Саккизликлар)

Ел тебратган кўлда ой . . . . .	32
Сен ҳақдаги хотиралар, ёр . . . . .	33
Қурбақалар — сув какликлари . . . . .	33
Тун тўлғоқ ўтида . . . . .	33
Эшигинг ортида . . . . .	34
Тун жон узаётир . . . . .	34
Пойимда ўкириб оқади дарё . . . . .	34
Оқшом . . . . .	35
Дарё соҳилида . . . . .	35
Шафтоли шохини . . . . .	35
Лочиндан сўраркан . . . . .	36
Олтинранг олма . . . . .	36
Бахт-ҳуркак қушдир . . . . .	36
Юлдузлар ёнади . . . . .	37
Ў р и к шохларига . . . . .	37
Чексиз бедапоя . . . . .	37

В 89

**Воҳидов Самандар.**

Қатраларда нур ёнар. Шеърлар. Т. «Ёш гвардия», 1978.  
40 б.

Вахидов Самандар. Лучезарные капли. Стихи.

Уз2

На узбекском языке

**Самандар ВАХИДОВ**

**ЛУЧЕЗАРНЫЕ КАПЛИ**

**Стихи**

Издательство «Ёш гвардия» — 1978

Редактор С. Барноев, Р. Толипов

Рассом Б. Хайбуллин

Расмлар редактори Э. Валиев

Техн. редактор Г. Аҳмаджанова

Корректор М. Тоиров

ИБ № 336

Босмахонага берилди 14/XI-1977 й. Босишга рухсат этилди 31/I-1978 й. Формати 60×90<sup>1/32</sup>. Босма листи 1,25. Шартли босма листи 1,25. Нашр листи 1,62. Тиражи 10000. Баҳоси 20 т. Қоғоз № 1. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 43—77.

Ўзбекистон ССР Министрлар советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 2-босмахонаси. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. Заказ 312. Р —14301.